



Нодира XIX асрнинг биринчи ярмида Кўконда яшаган ва ижод этган талантли шоиралардандир. Нодира шеърлари ўзининг юксак бадиийлиги ва чуқур мазмундорлиги билан ажралиб туради.

Нодира тахминан XVIII асрнинг охири чорагида Андижон шаҳарида тугилди. Унинг отаси Раҳмонкул кушбеги Кўкон хукмрони Норбўтабийнинг яқинларидан бўлиб, асли ўзбекларнинг Минг уругидандир.

Нодиранинг номи Комила бўлиб, Нодира унинг адабий тахаллусидир. Комила ўзининг гўзаллиги, ақл, одоби билан машҳур бўлган эди. Шунинг учун ҳам кейинча Кўкон хони бўлган Умархон (1811 — 1822 йилларда хукмронлик қилган) унга гойибона ошиқ бўлиб, 1808 йили Нодирага уйланади ва уни Кўконга олиб келади. Нодиранинг ижодий маҳорати Кўкондаги адабий гуруҳлар ичида ва уларнинг таъсири остида такомил топди. Нодира газалларининг асосий мазмуни инсонпарварлик, мухаббат ва садокатни улуглашдир. Нодира ҳар доим инсонпарварлик гояларини; адолат, инсоф, халқ манфаатларини кўзлашни тарғиб қилар эди. У хонга қарата бундай деб ёзади:

Бўйлаким мумтоз эурсен барча султонлар аро,
Шод қилгил бандаларнинг кўнглини эхсон этиб...

Фуқаро холига гар бокмаса ҳар шох, анга
Ҳашмату салтанту рафъату шон барча абас.

Шох ўлдирки райятга тараххум қилса,
Йўқ эса қоидаи амну омон барча абас.

Шоира инсон қадри қийматини юқори қўйди, унинг руҳан бой ва мазмундор бўлишини қуйлади. Бу эса унинг мухаббат туйғуларини чуқур сеза олиши билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам у инсонийлик ва мухаббатнинг мавжудлигигина инсоннинг хақиқий инсон эканига далолат беришини қайта-қайта такрорлайди:

Мухаббатсиз киши одам эмасдур,
Ҳар одамсен мухаббат ихтиёр эт.

Нодира, жами мухаббатни лабо-лаб ичибон,
Мастлик бирла қилай ишқ намозини адо.

Жаҳонда, Нодира, ишқ ихтиёр эт
Мухаббатсиз кечургон хайф авкот.

Нодира қуйлаган мухаббат инсонлар ўртасидаги қалбнинг қалбга интилиши натижасида пайдо бўлган соф, самимий мухаббатдир. Олижаноб инсоний туйғу бўлмиш бундай севгининг энг олий хусусияти — вафодорликни шоира айниқса баланд

илхом билан тараннум этади.

Нодира кўйида бош кўймогим эрмас ноёб
Итлари хайли эрур мақсади икром менга.

Бўлса то умру хаёти боки,
Мени илкимдуру домони вафо.

Кўкон хонлигининг сиёсий ва маъмурий хаётида ҳам Нодира фаол иштирок этар эди. Бу фаолият Умархон вафот этиб, ўрнига Нодиранинг ўгли Мухаммад Алихон хокимият тепасига чиккач (1822 — 1842), айникса ортди. Халк ўртасида Нодирани хурмат килиб Мохлар ойим деб атар эдилар. Кўконда унинг ташаббуси билан бир мадраса бино килдирилган бўлиб, уни мадрасаи Мохлар ойим дейилар эди. Бу ерда шахарнинг кўп ёшлари таълим олгандир.

Жумладан кейинчалик атокли ўзбек шоири Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат ҳам шу ерда ўкиди.

1842 йили Кўкон хонлиги билан Бухоро ўртасида уруш бошланиб, Кўкон хони Мухаммад Алихоннинг маглубияти билан тамом бўлди. Бухоро амири Насрулло ўз кўшини билан шахарга бостириб кириб, конли террор ўтказди. Халк молу мулки талон килинди. Амир Насрулдининг буйруги билан Мухаммад Алихон, унинг укаси ва ёш ўгли дорга осиб ўлдирилди. Шу пайтда Нодира ўзининг кичик ёшли набирасини химоя килиб амирга қараб: «отасини-ку ўлдирдинг, бу маъсум гўдакда нима гуноҳ, нега бу болани ўлдирмоқдасан, золим», деб хитоб килиб, уни саклаб қолишга интилади ва амирнинг зулмига лаънатлар ўқийди. Шунда Насруллонинг буйруги билан жаллодлар Нодирани ҳам тутиб дорга осадилар. Шундай килиб, халкнинг таланти кизи — атокли шоира Нодира фожиона равишда халок бўлади.

Нодиранинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган шеърларидан ташкил топган тўла бўлмаган девони бизгача етиб келган. У хозир ЎзССР Фанлар Академиясининг Шаркшунослик институтида сакланади. Нодиранинг олижаноб инсонпарварлик гоёларини тарғиб этувчи гўзал шеърлари узок йиллардан бери халк томонидан севиб ўқилмоқда ва қуйланиб келмоқда. Шунинг ўзи ҳам жабрдийда шоиранинг хотираси қанчалик азиз эканини намойиш этиб туради.

Азиз Каюмов.

* * *

Васл ўйин обод килдим, бузди хижрон оқибат
Сели гамдин бу иморат бўлди вайрон оқибат

Килди чоки пирахан доғи дилимни ошкор,
Колмади кўнглимда захми ишк пинхон оқибат.

Ахду паймонлар килиб эрди, вафо килгум дебои,
Айлади тарки вафо ул аҳди ялгон окибат.

Орзу килдим тутармен деб висоли доманин,
Пора бўлди хажр илгида гирибон окибат.

Зоҳидо, ишку муҳаббат ахлини маъзур тут,
Ёр кўйида на бўлди шайх Санъон окибат.

Баски кон бўлди юрогим гавҳари ашк ўрнига,
Катра-катра кўзларимдин томди маржон окибат.

Оҳким бўлди яна субҳи нашотим шоми гам,
Чехра пинхон этти ул хуршиди тобон окибат.

Гарчи бор эрди мусаххар девлар фармонида,
Поймоли хайли мўр ўлди Сулаймон окибат.

Нодира, булбул каби то нола иншо айладим,
Навбахор ўтти, хазон ўлди гулистон окибат.

* * *

Фарход агар урса менга лофи муҳаббат,
Бир ох ила айларман уни доғи хижолат.

Харчандки бемори гами ишк эди Мажнун,
Дардимни кўриб тишлади ангишти надомат.

Фарходда бўлсайди менинг гайрати ишким,
Бир ох ила айлар эди ул тоғни горат.

Мажнунда агар бўлса эди сабру тахаммул,
Килмасму эди мен каби шахр ичра икомат.

Гар бўлса Зулайхода менинг заррача ишким,
Колмас эди Юсуфни фирокида саломат.

Ишк офатига тоғ тахаммул кила олмас,
Ман манки килурман бу гаму дардига токат.

Дарду аламу гуссаки хажрида чекарман
Бу меҳнату гам кимдадур, эй ахли муҳаббат.

Юздин бири Мажнунда агар бўлса гамимни,
Бир ох ила оламга солур шўри киёмат.

Хар холда, эй Нодира, шукр айла худога,
Ким берди сенга ишку мухаббат ила давлат.

* * *

Бахор келди кўзим гулга бокмади асло,
Надинки, гулшан аро гулрухим эмас пайдо.

Юзимга бўлди юзинг муктарин, бихамдиллох,
Очилди мехру вафо богида гули раъно.

Сариг юзимда кизил ашкими таровати бор,
Нучукки, согари заррин аро майи хумро.

Лабидин айру менга бода тутма, эй сокий,
Хумор кулфатига мониъ ўлмади сахбо.

Бу жони хастаки, васлингни орзу айлар,
Хаёл туррасидин бошида узун савдо.

Фирок лашкари тугёнидин маозаллох,
Ки килди сабру тахаммул диёрини ягмо.

Юзинг назораси ушшокларни фирдавси,
Харими даргохинг ахбоба жаннат-ул-маъно.

Сенинг салосили зулфингга мубталодурман,
Ки бўлди ахли хирад кушларига доми бало.

Фалакдин ўтди фигоним, куёшга етди уним,
Хануз, Нодира, кам бўлмади бу оху наво.

* * *

Эй сарви сихи бўйлугим, эй комати зебо,
Келким, кўзим ойнаси муштоки тамошо.

Ул кунки, висолинг чаманин сайр этар эрдим,
Манзури назар эрди менга ул кади боло.

Айдимки, қачон бўлгуси куйингда маконим,
Ошикка, деди, хожат эмас манзилу маъво.

Куйдурди чаман гулларини рашк ўти бирла
Ул гунчаи хандон ила ул наргиси шахло.

Ул зулфи дил овиз муанбар гирихидин
Хар кимни тушиб бошига бир ўзгача савдо.

Хар сабзаи сунбулки, бу гулшанда чекар бош
Муйи сари Мажнундуру, ё турраи Лайло.

Вайронада окилга икомат на муносиб
Сарманзили осойиш эмас арсаи дунё.

Хижрон гамидин ташна лабу, хаста жигармен,
Сокий, карам айлаб менга тут согари сахбо.

Кўзгу каби хайронларингга арзу хаёл эт,
Дийдоринг учун Нодирадур волаи шайдо.

* * *

Эй мехри жамолинг олам оро,
Зарроти юзингга масту шайдо.

Эй хусни риёзида кадинг сарв,
Ул сарв уза сунбулинг сумансо.

Келким назаримга, эй парирў,
Девонага бир дам эт тамошо.

Сен уйкуда масти ноздурсен,
Мен дард била гарибу танхо.

Тун кеча фиғону нолишимдин
Кўйинг ити ичра тушди гавго.

Сен кайси диёр азмин этдинг,
Келмас хабаринг бу ерга асло.

Охим ўкига кадим камондур
Бу ўкни, нишонидур сурайё.

Мажнун нега Лайли таркин этсун,
Юсуфни унутмади Зулайхо.

Кайдин сени Нодира унутсин,
Бу сўз не муносиб, эй дилоро.

* * *

Эй юзинг киблаи арбоби сафо,
Сари кўйингда кўнгул кибланумо.

Каъбаи кўйинг эрур такъяхагим,
Кўз ёшим зам-зам ўшал каъба аро.

Бўлмаса меҳр кўнгулда не осиг,
Манзилинг Ясриб ўла, ё Батхо.

Сурма осо кадаминг туфроги
Хира бўлгай кўзима берди зиё.

Тўтиёдур менга накши кадаминг
Ки кўзим ойинаси топти жило.

Бўлса то умр хаёти бокий,
Мени илкимдуру домони вафо.

Дўстлар айшу фарогат ила хуш,
Бўлди душман хадафи тийри бало.

Хар ким ўз рутбасидин лоф урар,
Бу маротибда макоминг аъло.

Домани ёр иликдин кетди.
Нодира, пираханим бўлди кабо.

* * *

Мархабо, эй пайки султон мархабо,
Худхуди мулки Сулаймон, мархабо.

Талъатинг фаррух, муборак макдаминг
Килди кулбамни гулистон, мархабо.

Хўб келдинг, яхши келтирдинг хабар,
Айладинг дардимга дармон, мархабо.

Бўлди мавзун коматингдин мунфаил
Сарв нози боги ризвон, мархабо.

Килгасен ул мох меҳрин ошкор,
Субх янглиг пок домон, мархабо.

Мужда келтирдинг висоли ёрдин,
Топти таскин дарди хижрон, мархабо.

Кел бери, то хоки пойингни килай,
Тўтиёи чашми гирён, мархабо.

Равшан айларман чирोगи охин,
Кўзларимдур гавхар афшон, мархабо.

Бу кеча хижрон шабистонидадур
Анжуми ашким чарогон, мархабо.

Кўй кафи покингни дийдам устина
Бир дам, эй сарви хиромон, мархабо.

Нодира, хар сўзки иншо айладим,
Айди анга ахли даврон, мархабо.
* * *

Эй хушо, шиша аро оби хаёти хукамо,
Ким онинг хар киши айтса бўлур Хизрнамо.

Хукамо ишк маризига буюрмуш майи поб,
Хажр дардига демишлар бу муфаррихни даво.

Бодадин айлама пархез, дамо-дам кадах ич,
Келди мазмуми мухаббат йўлида зухду риё.

Бўлди гул мавсимию майкадалар жонибидин,
Муждаи айшу-тараб еткизадур боди сабо.

Эй хуш ул ринд май ошоми сиях маст мудом,
Жома май илгида, олида сабуву мейно.

Гусса паймонасида хуии дил ошом айлар
Бодадин хар кишиким, айлар эса истигно.

Зохидо, гар десанг ишк ахлига расво бўлмай,
Демогил майкада авбошига кўп чуну чаро.

Бода муштокига лутф айла, кадах тут, сокий,
Йўкса Жамшидга хам айламади жом вафо.

Нодира, жоми мухаббатни лабо-лаб ичибон
Мастлик бирла, кидай ишк намозини адо.

* * *

Юзинг офтоби мохи олам оро

Жамолинг кўзгуси меҳри мужалло.

Лабинг ёди кўнглимда пинхон эмастур,
Эрур шишада маажии сахбо хувайдо.

Эрур икки аждар хаму печ бирлан
Кадинг сарвида икки зулфи сумансо.

Магар хусн богини наргисларидур
Икки чашми жодуи бодом-у шахло.

* * *

Назар ахли савдоларидин хатинг килди лавхи жамола пайдо,
Нетонг айласа дуди охим камар даврида хола пайдо.

Сочинг сунбулидин гирихлар тушубдур кўнгул риштасига,
Ки юздин бирин зохиёт этсам килур жаъд мушкин кулола пайдо.

Менинг киссаи рўзгорим фаровон гами хижронинг афсонасидек,
Ки бир нуктасин шарх килсам бўлур неча дафтар рисола пайдо.

Юзинг ойини хайратидин эрур бадри тобон каро доглик,
Кошинг нунидин вокиф эрди ки ожизлиг ўлди хилола пайдо.

Карам дастгоҳи ки хон атоси мудом омода меҳмон юзига
Анинг резаи базм бахшойишидин бўлур хар гадога навола пайдо.

Сиришким сахобини имдодидин дилкушодур мухаббатни дашти,
Кўнгул догини айтсам биёбон бўлур, ул биёбонда лола пайдо.

Солиб хижратни мулкина зилзила, деди килма даври фалакдин гила
Надур чораи дардим, эй Нодира, фирок ўлди ногоҳ, висола пайдо.

* * *

Кел, сенга, эй шаҳи жаҳон, мамлақати жаҳон фидо,
Дийдаларимга кўй кадам, хар кадаминга жон фидо.

Лаъли лабинг фирокида хуни жигар гизо менга,
Сарв кадинг хавосида жон этарам равон фидо.

Айшу нишоти офият дарди гамингни садкаси,
Бир нафас иштиёкинга ишрати жовидон фидо.

Вақти хиром, эй санам, дийдаларимга кўй кадам,

Хоки рахингга айларам чашми гухарфишон фидо.

Гарчи менинг алимдадур хосили мулки мамлакат,
Этса висолинг айларам барчаи ройигон фидо.

Йиглама энди, эй кўзим, тўкма юракни конини,
Догни тоза айладим, конига бўлди кон фидо.

Нодираи газал саро назмини кўрса ногахон
Дурри жавохирин килур фикрига багри кон фидо.

* * *

Гунчадек огзи аро ул лутфи гуфтори ажаб,
Сунъи илги йўкдин изхор айлагай бори ажаб.

Олди кўнгул кушларни хар лахза мушкин турраси,
Бола шохиндурки, сайд айларда таррори ажаб.

Баски мажнундир анинг хуснига гулшан гуллари,
Гунчалардиндур чаман бўйнида тумори ажаб.

Айлади ошуфта табъимни паришон турраси,
Килди бахтимни каро холи ситамкори ажаб.

Кўзидин озурдамеиу, кошидан озурдарок,
Зор ахволимга озор узра озори ажаб.

Хар қачон ким ноз этиб чикса майи гулфом ичиб,
Кон тўкар майдек дамо-дам чашми хуммори ажаб.

Ёр васли бирла одат айлаб эрдим, Нодира,
Андин айру менга бир дам сабр изхори ажаб.

* * *

Тийрадур субҳи нашотим, сокиё, келтир шароб,
Шоми хижрон зулматида жоми майдур офтоб.

Мохи тобон юзлигим, хар лахза ёд этсам сени,
Дуди багримдин чикар ўт ичра тушгандек кабоб.

Банд этиб зулфинг аро кўнглимни озод этганинг
Куш учургандек эрур боглаб аёгига таноб.

Кошки охим насимидин тахаррук айласа,

Ёрким рухсориға гул баргидин солмиш никоб.

Хажр ошуби балодурким, ани ташвишидин
Катраи симоб янглиг кўнглим айлар изтироб.

Шод эди ул шохи даврон васли бирла хотирим,
Айш давронига солдн даври гардун инкилоб.

Бевафолардек сени харгиз фаромуш айламас,
Нодира, ёдингни айлар то дами ёвмулхисоб.

* * *

Гулга десам йўк кафи пойингга тоб,
Дийдама кўй, эй, бути заррин, рикоб.

Ташкари чикма кечалар хашр ўлур,
Чикса ярим кечада гар офтоб.

Гаркаи хуни жигар ўлди танним,
Кон ёш ила муйи сар этдим хузоб.

Турфа саволи лабидин сўрди ёд,
Жон берайин бўлмаса ширин жавоб.

Сурати девор каби бўлмишам,
Хасрати дийдор ила беҳўрду-хоб.

Жонима касд айлар эсанг кил, валек
Тишлама лаълингни, килурсан итоб.

Мойили зулм этма кўзинг таркини,
Йўкса килур мардум уйини хароб.

Бу кеча майхонани даргохида
Пири мугондин тиларам фатхи боб.

Айламадинг, эй бути паймон шикан,
Нодирани васлинг ила комёб.

* * *

Газаб бирла нигорим ўтди ёнимдин шитоб айлаб,
Юзин кўргунча ўлдурди мени хажри азоб айлаб.

Пари янглиг назардин чехра пинхон этди ул махваш,

Фироку хажр жомидин мени масту-хароб айлаб.

Кўнгул шодоб эрди журъаи жоми висолидин,
Солиб хижрон ўтига кетти багримни кабоб айлаб.

Мурувват айла, жоно, сендин айру тийрадир айшим,
Прут кулбамни бир тун оразингни офтоб айлаб.

Ичармен май дамо-дам ёр лаълини хуморидин,
Мени майхонадин манъ этма зоҳид ихтисоб айлаб.

Хнсоб этмокка чарх анжумларин бор эҳтимол анда,
Менинг доғи дилимни лек бўлмайдур хисоб айлаб.

Лабидин айру кон ютмок ишимдур боргил, эй сокий,
Менга беҳуда кулфат берма таклифи шароб айлаб.

Дариго, кетти охир гавҳари максуд илгимдин,
Топиб эрдим сени махбублардии интиҳоб айлаб.

Вафо сарлавҳи узра Нодира мавзун каломини
Ёзар таҳсини шеъри хисрави олий жаноб айлаб.

* * *

Ёр лаълин ёд этармен гунчаи хандон кўриб,
Сабзаи хат согинурмен бог аро райхон кўриб.

Сабзаи хат лаъл нобинг узра маъво айлади,
Хизр килгондек ватан сарчашмаи хайвон кўриб.

Дарди жонгоху дамо-дам, ох, ахволим табох,
Раҳми келмасму менга бу хол ила султон кўриб.

Соврулурман хажр водиси аро Мажнун киби,
Гирдубод айлар гумон дашт узра саргардон кўриб.

Кеча лаъли хажридин ўлмок менга душвор эди,
Юз тахайюр бирла илгин тишлади жонон кўриб.

Рашкдин юз фитна барпо айлади даври фалак
Кўзларим ойинасин ёр олдида хайрон кўриб.

Тонг эмасдир бўлса (бу) муддатда устоди сухан,
Нодира ашъорига таҳсин этар Салмон кўриб.

* * *

Берай жон висол ичра, эй нўши лаб,
Фирокингда токай килай тобу-таб.

Жамолинг менга муддао субху шом,
Висолинг менга орзу рўзу-шаб.

Агар келса бошимга тиги ажал,
Килурманму йўлингда тарки талаб.

Кадинг мисраи шўху бархастадур,
Бўлиб хуси девонидин мунтахаб.

Мени зор Фарходу Мажнуннаход,
Эрур ёр Ширину Лайли насаб.

На махфилда шахду шакар ёладинг,
Ки бир-бирга часпондур ул икки лаб.

Фирокида шамъи шаби хажрмен,
Эмас куймагим Нодира бесабаб.

* * *

Кетмади мендан кадах бирла хумори офтоб,
Субх янглиг тортадурман интизори офтоб.

Сарф килгумдур они(нг) жоми висоли накдина
Гар муяссар бўлса лаъли обдори офтоб.

Мохрўларни юзинг ойи мусаххар айлади,
Мунча бўлмас анжум ичра иктидори офтоб.

Оразингни (нг) тобидин бўлди назокат дастгох,
Турфа гуллар зохир этди навбахори офтоб.

То юзинг ойи намоён бўлди хусн афлокида,
Рашк ўтидин тийра бўлди рўзгори офтоб.

Гар кўзим хуснинг чирогидин мунаввар бўлмас,
Равшан этмас партави нури шарори офтоб.

Нодира, охим синонидин таваххум тортибон
Чарх майдонидадур чобуксувори офтоб.

* * *

Сайд этди мени ул икки куллоб,
Бўйнимда каманди зулфи пуртоб.

Кошини киличига бўйин сун,
Ошикка будур тарики одоб.

Гулхан кулида фарогат этган
Килмас хаваси самури санжоб.

Тирдоба эрур кўзимни ёши,
Ошикни халок этар бу гирдоб.

Ором топарму чарх даври,
Доим харакат этар бу дўлоб.

Олам элида вафо топилмас,
Бу гавхар эрур жахонда ноёб.

Кондур жигарим лабидип айру,
Келтур менга, сокиё, майи ноб.

Ушшок мисоли корвондур,
Ул кофилада эрур вафобоб.

Ёш ўрнида, Нодира, кўзимдин
Хажрида окар мудом хуноб.

* * *

Агар гулшанга кирса сарв гулрўйим хиром айлаб,
Югургай сарв гул юз мархабо бирла салом айлаб.

Хиромон келди ёру, комати таъзимига беҳуд
Йикилдим соядек ерга турарга илтизом айлаб.

Килурга кундузимни кеча хуршиди жамол узра
Паришон айлади гисуларин субхимпи шом айлаб.

Сихи кадлар панохи гул жабинлар подшохисан,
Чаманда сарвни озод этар каддинг гулом айлаб.

Хушо, окилки, айлаб яхшилик бунёдини маҳкам
Ўтар бу дайр фонидин ўзини неки ном айлаб.

Масих азми сафар айлаб куёшга бўлди хамсоя,
Бўлур химмат била афлок устида маком айлаб.

Гизоли умрким вахшатдадур пайваста рам бирла
Бўлурму юз минг афсун бирла бу вахшини ром айлаб.

Кўнгул сайд этгани омода килмиш ишк сайёди,
Парирўлар каманди халкаи зулфини дом айлаб.

Калам тахрир этарда най шакардин бўлса гонг эрмас,
Лабинг васфини айлар Нодира ширин калом айлаб.

Сокиё, хажр давосини демиш гар майи ноб,
Тута кўр майкадада кайгули ошикка шароб.

* * *

Сокий, менга кадах (тут) бу дайр аро лабо-лаб,
Зухд ахлидин ўсондим, тутдим сенингла машраб.

Хуснинг тажаллисидин бетоб мохрўлар,
Андокки зохир ўлмас хуршид чикса кавкаб.

Еримни васли бирла олам мунаввар эрди,
Бор эрди мохи тобон хуршидга мукарраб.

Мажнуни бенавони таклифи жох килма,
Ким телбалар бошида йўқдур хавойи мансаб.

Мухтожи даргохингмен юз минг умид бирла,
Мен кулни бу эшикдан навмид килма, ёраб.

Тиги забонинг ўлди мифтохи ганжи дониш,
Алломаи замондур олингда тифли мактаб.

Кил, Нодира, муяссар шўри жунун жахонда
Ишку мухаббат ўлди ошикка дину мазхаб.

* * *

Чикди ул гулгун кабо майдон аро жавлон этиб,
Гамза тиги бирла ошикни юрогин кон этиб.

Махвашим майдон аро бепарда жавлон айлади
Эл кўзин ойинадек дийдорига хайрон этиб.

Поваки мужгонлари катлимга тиркиш богламиш,
Чоклиг кўнглимни коши ёсига курбон этиб.

Ул худовандики, килди еру-кўкни ошкор,
Шукрким, бизни гадо килди, сани султон этиб.

Бўйлаким мумтоз эурсан барча султонлар аро,
Шод килгил бандаларнинг кўнглини эхсон этиб.

Мубталомен то асири зулфи пуртобинг бўлай,
Кил мени озод бошинг узра саргардон этиб.

Бокмадинг бир лутф ила, эй бемурувват санг дил,
Нодира хажрингда йиглар нолау афгон этиб.

Мен ки колдим хажр вайронида бесомон бўлиб,
Ер келмас кулбаи эхзонима меҳмон бўлиб.

Дашту сахродин сўрогингни тополмай дард ила
Айланиб келдим яна гам уйига хайрон бўлиб.

Шарбати лаълинг хумори бирла чандон йигладим,
Катра-катра кўзларимдин окти багрим кон бўлиб.

Васл аро магрур эдим дийдорига, шоми фирок
Ўртади жисмимни охир оташи хижрон бўлиб.

Айласам девоналиг айб этмангизким, ул пари
Гойиб ўлмишдур назардин жилваси пинхон бўлиб.

Нодира, ул меҳри тобон шавкида килдим жунун
Ошкоро бўлди ишким шухраи даврон бўлиб.

* * *

Чаман риёзила гулгашт мургзор килиб,
Кўнгулни сайд этар сарв кад шикор килиб.

Гизолаларни кўзи сайд килди сахрода,
Коши уқобини шохин патига ёр килиб.

Келурмукин яна ул шахсувор майдонга?
Ки борди ул кеча кўзларни интизор килиб.

Килурмен ишқу жунун карвонига имдод
Сиришк нокаларин ашки шашкатор килиб.

Танимда хажр ўкини захми бенихоятдур
Ки бўлмагай ани юздан бирин шумор килиб.

Нетайки дахр гузаргохида бу телба кўнгул
Йўлукти хажрига васлини ихтиёр килиб.

Жахонда, Нодира, ёринг пари мисол эрди
Бўлурму хуснини ойинага дучор килиб.

* * *

Юзингдур киблаи ахли муножот,
Жамолинг шамъидин равшан харобот.

Бугун майхонада сахбо килур жуш,
Эрур пири мугондин бу каромот.

Сурохи кул-кулин айлар мукаррар,
Эрур бу чор кулдин дафъи офот.

Чу хак мавжуд эрур, одам адам бил,
Сулук ахлига будур нафъю исбот.

Кўтармак тогни осон эмасдур
Мену хижрон гами хайхот-хайхот.

Мени холимга йиглар ошинолар,
Эрур хайрон менга бегонадин ёт.

Жахонда, Нодира, ишк ихтиёр эт
Муhabбатсиз кечургон хайф авкот.

* * *

Рафико, менга бир дам дўстлиг расмини изхор эт,
Ки мен бордим ўзимди, ёр агар келса, хабардор эт.

Качон ишк ахлини ўлтурмогини ихтиёр этсанг,
Жафо тиги билан аввал мени(нг) багримни афгор эт.

Хакорат бирла, эй сокий, бокар майхона ахлига,
Суниб бир жоми май зоҳидни анда накши девор эт.

Менинг холимга йиглар дашту сахроларда вахшилар,
Агар кўйига борсанг, эй сабо, ёримга изхор эт.

Эрур пийри мугондин бу башорат, тургил эй, сокий,
Лабо-лаб жом ила зохидни даъвосини бекор эт.

Кадинг раъно ниhoли сарвдур, жоно, хиром айлаб
Чаман гулгаштида товуска сен таълими рафтор эт.

Юмулмас кўзларим, эй мохи тобои, иштиёкингдин
Чикиб ер остидин муштокларга арзи дийдор эт.

Зулайхо муштаридур ганж гавхар бирла васлига,
Жахон ахлинн Юсуфдек жамолингга харидор эт.

Гули савсан очилди, бенаволик килма, эй булбул,
Чаманда Нодира ашъори бирла нолау зор эт.

* * *

Гар ахли вафо истаса кошона саломат,
Бўлсун мени махмурга майхона саломат.

Ул хусн шифоида кўнгул куйса ажаб йўк,
Колгайму чирог устида парвона саломат.

Девона мухаббат йўлида беватан эрмиш,
Обод агар бўлмаса, вайрона саломат.

Гар синса сурохию, сабух зохид алинда,
Бўлсун меига согар ила паймона саломат.

Ўлмак зараридин мени бир зарра гамим йўк,
Гар бор эса жон бергали жонона саломат.

Яхши-ю, ёмон бир-бнрига мугтанам эрмиш,
Фарзона тирик бўлсин-у, девона саломат.

Обод ўла, эй Нодира, иклими тажаммул,
Жамшиди замон, хисрави Фаргона саломат.

* * *

На гул сайр айла, на фикри бахор
Жахондин кеч, хаёли васли ёр эт.

Мухаббатсиз киши одам эмасдур
Гар одамсан мухаббат ихтиёр эт.

Узору кадду, рафторингни кўрсат,

Чаман сарву гулини шармсор эт.

Лаби махмурдурмен жоми май тут,
Карам кил, сокиё, дафъи хумор эт.

Аиалхак, можаросин айладинг фош,
Кел, эй, Мансур, истикболи дор эт.

Дури ашку акики, хуни дилни,
Келу ёринг аёгига нисор эт.

Куйиб, эй Нодира, олам элига
Мухаббат шевасини ошкор эт.

* * *

Келгил, эй ёр, вафо расмини тут,
Шамъи рухсор ила кулбамни ёрут.

Ер лаъли лабидин айрилдинг,
Эй кўнгул, эмди дамо-дам кон ют.

Кўзларим йиглади зулфингни кўриб,
Ки ёгин боисидур тийра булут.

Кил фаромуш бу олам гамини,
Бода ич, май била кўнгулви овут.

Кишига химмати мардона керак,
Йўкки, оройиш ила ришу бурут.

Хуни дил бирла жигар порасидин
Бодадур лаъли муфаррих ёкут.

Нодира даъвийи ишкингни килиб,
Кўли бу махкамада топти субут,

* * *

Эй сабо, рози дилимни беҳабар ёримга айт.
Дардлиг кўнглимни ахволини дилдоримга айт.

Хажр дардидин юракда колди дог устида дог,
Шарх этиб бу можарони лола рухсоримга айт.

Фуркат ичра тушди савдои Зулайхо бошима,

Киммати Юсуф бахо топти харидоримга айт.

Лутф этиб сўрса мени холимни ул номехрибон,
Улди хижронингда деб ёри вафодоримга айт.

Сендин айру талхиком этди дебон захри фирок
Ёшурун дардимни ул лаъли шакарборимга айт.

Юз салом айдим, на бўлгай бир йўли ул хам деса
Бул саломимни ўшал ошифтаи зоримга айт.

Нодира сенсиз тирикликдин на рохат кўрди деб
Ул хумоюн толиъи фархунда атворимга айт.

* * *

Сайр этарда нахлистон ёр каддини ёд эт,
Мен қачон дедим сенга, орзуи шамшод эт.

Хажр шехнаси охир ўлтирар асирингни
Бир киё бокиб, жоно, банди гамдин озод эт.

Бўлди ёр савдоси, ошиқ эрсанг, эй кўнглум,
Нақд жон мухайё кил, ёр хотирини шод эт.

Э, кўнгул, фигоингдин тийрадур фалак касри,
Бу бинони вайрон кил, ишк уйини обод эт.

Кон тўкарга мойилдур кошларингни шамшири,
Элни катли ом этсанг, кўзларингни жаллод эт.

Гулшан ичра, эй булбул, субҳдам наво тортиб,
Гул юзини ёд айлаб, нола бирла фарёд эт.

Ногох ул жахон шохи келса, эй кўнгул, боргил,
Шох инонини ушлаб, хажр илгидин дод эт.

Дахр киштзорида бир шарору юз хирмон,
Куйдирурга оламини барки ишк бунёд эт.

Хажр можаросига, Нодира тахаммул кил,
Бекарор кўнглингни сабр бирла муътод эт.

* * *

Хажрдин махмурмен, сокий, лабо-лаб жом тут.

Мен каби хар кимки бўлса ринд дард ошом тут.

Истасангким, даргохида посбон ўлмок мудом,
Берма вахшат хажр ила кўнглим гизолин ром тут.

Бенаволармиз, фалак хуршиди янглиг, сокиё,
Жоми саршори сабухи бизга хар айём тут.

Бўлса гар максад кўнгуллар кушларин сайд айламак,
Дона кил холиигни, зулфинг халкасидин дом тут.

Ер куйи итларига ногох ўлсанг хамнишин,
Ошнолардур аларга иззату икром тут.

Гар замоне дахр гавгосидин истарсен фарор,
Сокини майхона бўл, бир гўшада ором тут.

Бўлмагил Фарходу Мажнундек жaxon афсонаси,
Ишк аро, эй Нодира, ойини нангу ном тут.

* * *

Ошик ўлдинг, эй кўнгул, эмди рохи майхона тут,
Маст ўлиб, сокий аёгини ўпиб паймона тут.

Эйки дерсан, ошино, бегонадин кўрмай зарар,
Олам ахлидин ўзингни бир йўли бегона тут.

Хусни ишк айлар сенинг хокистарингни тўтиё,
Шамъидан куймакни касб эт, мазхаби парвона тут.

Гар тилар бўлсанг хаводис шохибозидин омон,
Нугз янглиг, эй кўнгул, бир гўшада вайрона тут.

Донишу фахму хирад, сабру сукуну аклу хуш,
Барчани парвонаи шамъи рухи жонона тут.

Бўлма гийру дорига магрур гар окил эсанг,
Давлати дунсни уйку фарз кил, афсона тут.

Айлагил обод тавфику адолат мулкани,
Нодира, мавло йўлида химмати мардони тут.

* * *

Дода келдим, эй салотин сарвари, додим эшит,

Сен шаху, мен бенаво лутф айла, фарёдим эшит.

Дуди охим шуъласи хуснинг дабиристонида
Мисраъи баржастадур, эй сарви озодим, эшит.

Сарвинозим, сендин айру нахли охим бўлди хам,
Коматинг хажрида синди шохи шамшодим, эшит.

Хар нечаким сабр таъмирини бунъёд айладим,
Ашк селобида вайрон ўлди ободим, эшит.

Барча ёру ошнодин айладинг бегоналиг,
Неча кунлар бўлди харгиз килмадинг ёдим, эшит.

Келки, бир соат сени кўрмок учун муштокмен,
Телба бўлдим сендин айру, эй паризодим, эшит.

Нодира боди сабодин сенга ирсол этгали
Килди иншо бу газални табъи ношодим, эшит.

* * *

Мени(нг) жунунима Мажнунни бермангиз нисбат,
Килурму хору хашак тоби шуълаи гайрат.

Чекарда жов менга таклид килмасин Фарход,
Фирок тогида беҳуда чекмасун кулфат.

Меига баробар эмас кўхкан билан Мажнун,
Аларда юз гам эди, лек менда минг хасрат.

Жахонда бўйлаки бўлмишмен ишк ойинаси,
Менга зиёда бўлур ёр хуснидин хайрат.

Гамимни заррасини тоғларга арз этсам,
Тахаммул айламагай, тоғ келтириб токат.

Бу дарду гамки анинг нотовон кўнгул кўтарур,
Мухаббат ахлига юздан бири эрур офат.

Гамимни шархини юз минггидин бирини дедим,
Фалак ани кўтарурда хам айлади комат.

Бу гамни тоғ кўтармас эди, валеқ менга
Бериб тахаммулини кўйди жонима миннат.

Сиехр мартабаи ишкни баланд кўриб,
Дедики Нодирани химматига юз рахмат.

* * *

Неча муддатки кўнгул гайр ила тутти улфат,
Мени саргаштани дог айлади фавти фурсат.

Бормогим амр ила ул, ерга зарурат эрди,
Йўкса шойиста этмас бандага тарки хизмат.

Сурмаи чашми дилимдур эшикинг тупроги,
Даргохингдин менга овворалиг эрмас хожат.

Саъд эрур ахтари икбол хумоюн толиъ,
Салтанат чокару, кулдур сенга бахту давлат.

Хизматинг боиси осойиш эрур кулларга,
Сендин айрилса киши умрида йўкдур лаззат.

Остонингга кўйиб фарш килай бошимни,
Ўзга манзилда топилмас менга сепсиз рохат.

Кўканинг бандалигин Нодирага арз айлаб
Кўйгил, эй боди сабо, жонима андин миннат,

* * *

Рамозон ойида хар кимда фаровон хожат
Элгатур шамъу менга дийдаи гирён хожат.

Басдурур кавкаби ашкимни чироги кечалар
Менга гам шоми эмас, шамъи шабистон хожат.

Рўза ифторида хуни жигаримдур кофи
Бенаволарга эмас неъмат алвон хожат.

Шох- хакига дуо олмок учун кулбамга
Шом вақтида бўлур хар кеча мехмон хожат.

Богаро дилни этар машки хаёли ранггин
Богбон, менга эмас сайри гулистон хожат.

Хар факирики килур хокн харимида маком
Йўк анга салтанати кайсару, хокон хожат.

Рўзага Нодира боз айла саховат эшикин
Бўлса хак рахматидин равзаи ризвон хожат.

* * *

Сокиё, махмурдурмен жом тут,
Бир нафас тарки гами айём тут.

Доми гамдин истабон озодлиг,
Согари май субхдии то шом тут.

Бода нўш эт, килма беоромлиг,
Айш вахшидур, замоне ром тут.

Эй пари пайкар, кўзимни манзари,
Хуш нашимандур дами ором тут.

Эмдиким, ошик бўлибсеи, эй кўнгул,
Васли истаб тарки нангу ном тут.

Гар кўнгул сайди сенга максад эса,
Халка-халка сунбулини дом тут.

Васл жоми то сенинг илкингдадур,
Ўзни ё Жамшид, ё Бахром тут.

Соф май гар нўш этарсен, дурдини,
Базли жоми ринди дурд ошом тут.

Васл аро ком истабон эй, Нодира,
Энди ўзни неча кун ноком тут.

* * *

Хар кимда агар бор эса осори мухаббат,
Айлар анга махбублар изхори мухаббат.

Майхонаи ишк ичра хуш ул ринднки, тунлар
Бир журъа учун бор эса бедори мухаббат.

Хушдур киши дунё гамини килса фаромуш
Ложуръа чекиб согари саршори мухаббат.

Тут гайрдан эй хаста кўнгул, догини пинхон,
Гар сўрса биров айлагил инкори мухаббат.

Рохат тиласанг ишк биносини панох эт,
Осуда эрур сопи девори мухаббат.

Болини уза борди аёдатга Масихо,
Хуршид эди чархида бемори мухаббат.

Гар таънаи агёрдин, эй дил, хазар этсанг,
Олам элига бўлмагил икрори мухаббат.

Тасбиhi риёи ила магрур эди зоҳид,
Тавфик топиб боғлади зиннори мухаббат,

Эй Нодира, зухд ахлини майхонада кўрсанг,
Дам урмаки, фош ўлмасин асрори мухаббат.

* * *

Кел дахрни имтихон этиб кет,
Сайри чамани жахон этиб кет.

Бедардларинг жафэларидин
Фарёд чекиб фиғон этиб кет.

Дунё чаманини булбулисен
Гул шоҳида ошён этиб кет.

Эй ашк, кўзимни мактабидин
Хайрат сабакин равоп этиб кет.

Олам чаманики бевафодур,
Бир ох била хазон этиб кет.

Ушшок макоми бўстондур,
Азми раҳи бўстон этиб кет.

Мақсад на эди жахона келдинг?
Кайфиятини баён этиб кет.

Фош этма улуска ишк сиррин,
Кўнгулда ани нихон этиб кет.

Кел ишк йўлида кўзларингни
Эй Нодира, дурфпшон этиб кет.

* * *

Жон кўрмади рўзадин халоват
Ифторда ёрсиз на лаззат!

Ёр айласа ёри бирла ифтор,
Йўк рўзада мундин ўзга давлат.

Эл барча висол базмида шод,
То субх чекиб суруди ишрат.

Хар шом менга наволаи гам
Ифтор килурга бўлди қисмат.

Мохи рамазонки, файзи чўктур,
Мен хастага ёрсиз на рохат.

Хар шом кўзимни ёши шамъим,
Хуни жигарим ба жойи шарбат.

Хижрон ила рўза жавр этолмас,
Гар ёр эса, Нодира, саломат.

* * *

Куйма деб айламади ҳеч киши парвонага бахс,
Окил эрсанг на килурсан мени девонага бахс.

Шиша саршори майи ноб эрур сўрма сабаб,
Лабидан нашъа топар айлама паймонага бахс.

Шўхлик бирла Хўтан даштида Мочин кийики
Бўлди расво, килиб ул наргиси мастонага бахс.

Сирри зулфи гирихин очмок эмасдур осон,
Бесабаб айлама машшота бугун шонага бахс.

Сели сахрода килур шавк ила жавлон, лекин
Чугзни душманидур айласа вайронага бахс.

Дардлиг киссаи ишким не эмишди Фарход,
Телба Мажнундек ани килса бу афсонага бахс.

Айладинг жаҳд ила таъмири мухаббат обод.
Ким килур, Нодира, бу химмати мардонага бахс.

* * *

Жонимга жафолар бала жонона килур бахс
Бир лахза кўзим ёшинн тўфона килур бахс.

Ул зулфи дил овийзини ишколини очман,
Бехуда надин тил тузатиб шона килур бахс.

Зохид, мени девонага кўргузма таарруз,
Мажнунни қачон окилу фарзона килур бахс.

Куймок эрур ошиқ ила маъшук тариқи,
Бир махфил аро шамъ ила нарвона килур бахс.

Кимдур тўлин оп бўлса жамолингга баробар,
Хуршида кулогингда(гн) дурдона килур бахс.

Бу мархалада колмади халқ ичра тафовут,
Бу турфақи оқил ила девона килур бахс.

Оташмидур, эй Нодира, бу мадраса аҳли,
Хар неча қи таслим этарам ёна килур бахс.

* * *

Хар қачон қим деса ул лаъли шақарбор ҳадис,
Талх ўлур тўтия гуфтор ила бисъёр ҳадис.

Гунгу лол ўлгусидур булбулу тўти ногоҳ
Ул шақарлаб нафаси айласа изҳор ҳадис.

Билдилар чунки жаҳон аҳли ҳадисини саҳих,
Тонг эмас бўлса улус оғзида такрор ҳадис.

Ишқ асрорини изҳор қилиб фош этма,
Қим бу янглиғ демиш ул воқиғи асрор ҳадис.

Лабидин сўрма ҳадисики эрур тилга гарон,
Ёр нозик лабига бермасин озор ҳадис.

Белини(нг) борлигин қилди қамарбанди аён,
Оғзи йўқ эрди, ани қилди падиқор ҳадис.

Шарҳ этиб ёзмок учун лаъл лабингни сифатин,
Нодира айлади чун гавҳари шаҳвор ҳадис.

* * *

Дамики лабларидип зохнр этса ёр хадис,
Улусни котирини айлагай шнкор хадис.

Лабинг хадисини жон лавхина савод эттим,
Кўзим кароси каби бўлди мушкбор хадис.

Гухар ўзини садаф ичра айлади пинхон,
Чу зохир айлади ул лаъли обдор хадис.

Бири лабингни хадисидек обдор этмас,
Кўнгул сахифасина ёзмишам хазор хадис.

Калом чогида хар сўзки зохир этди лабинг,
Садаф гухарлариини килди шармсор хадис.

Такаллум этди мулокот лаъл нобинг ила,
Фасохат ахли аро топди эътибор хадис.

Лабингдин айру тушиб Нодира китобот ила
Каро либос киийб килди сувгувор хадис.

Бевафодур бу жахон суду зиён барча абас,
Ким гаму айшу бахор ила хазон барча абас.

Бўлма андишаи савдоси била саргардон,
Йўку бори гамидин вахму гумон барча абас.

Топмаса ёр жанобига шараф бирла кабул,
Оху фарёдинг ила шўру фигон барча абас.

Бўлмаса ошика гар ёр висоли максуд,
Орзуи хаваси жону жахон барча абас.

Фукаро холига гар бокмаса хар шох, анга
Хашмату салтанату рафъату шон Сарча абас.

Юох улдурку, раиятга тараххум килса,
йўк эса коидаи амну омои барча абас.

Нодира, бўлмаса гар ишк ўтини таъсири,
Алами зохир ила доги нихон барча абас.

* * *

Кетди хушум ул париваш жилва оғоз айлагач,
Ўртада жон пардасин мутриб наво соз айлагач.

Тонг эмас килса юзи машшотани бедасту по,
Айлади ойннани сув, чехра пардоз айлагач.

Лаблари тўкти табассум шахдндин оби хаёт,
Кўзлари юз фнтна барпо аплади, ноз айлагач.

Ноз бирла богбони сунъи бу гулзор аро
Сабз хуррам килди сарвингни сарафроз айлагач.

Фурсати умри кироми этганин расво, кўнгул
Билди гафлат уйкусидин кўзларин боз айлагач.

Сайд этар бир дамда олам ахлинн мурги дилин,
Кошларин шохин этиб, кўзларни шахбоз айлагач.

Вомику Фарходу Мажнундин мукаддам билди ёр,
Нодира ишкини ошикликда мумтоз айлагач.

* * *

Кўзларим муштоқдур дийдор учун рухсора оч,
Пардани юздин кўзим килгунча бир наззора оч.

Пардаи нозу хаё хомуш лаълингдин кўтар,
Икки гул баргини бирдин гухар гуфтора оч.

Бесутун тогида кўп жон чекмагил, эй кўхкан,
Кўкрагимдин жуйи шир ўрнига ўтлуг ёра оч.

Эй кўнгул, дуди фигонингдин кавокиб тийрадур
Ох кўп чекма, хижоби собити сайёра оч,

Шавк комил бўлса мухлис кўчаси масдуд эмас,
Эй шарар, бир жазба бирла рохи санги хора оч.

Мунча пинхон догким, эй жон, фалак кўйди сенга,
Ёр агар келса гирибонингни айлаб пора, оч.

Нодира охи дилу шўри жунун барпой кил,
Ушбу лашкар бирла олам мулкени яқбора оч.

* * *

Тийра дилман шона зулфингни паришон айлагач,

Субхи айшим шоми гамдур чехра пинхон айлагач.

Солди ишк ахлига растохез хижрон офати,
Охни сарсар килиб, ашкимни тўфон айлагач.

Барги гул келтирмади ул хусни анвориға тоб,
Килди гулларни хазон сайри гулистон айлагач.

Лаълидин дардимга дармон айлар эрди васл аро,
Чора килмас мубталои дарди хижрон айлагач.

Бенавоман дайр аро сокийни истигносидин,-
Жомни йиглатди мийно багрини кон айлагач.

Чобукиким, гамза тиги бирла ушшок ахлини
Катли ом айлар, кўзи майдонда жавлон айлагач.

Нодира гар васли давронни ганимат билмади,
Ўртанур эрди хаёли шохи даврон айлагач.

* * *

Эй кўнгул, ёр учун жахондин кеч,
Хаваси боги-бўстондин кеч.

Анга ўзлук била етиб бўлмас,
Истасанг ёр васли жондин кеч.

Олам ахлида чун вафо йўктур,
Бир йўли яхшию, ёмондин кеч.

Бўлгил анкои кофи истигно,
Эй хумо, мушти устихондин кеч.

Бўлдинг, эй жон, асири шахри фано,
Ким деди мулки жовидондин кеч.

Кеч дединг ёру ошинолардин,
Менга лекин дема фалондин кеч.

Нодира шўри ашки дарёдур,
Ушбу дарёи бегирондин кеч.

* * *

Васли ёр истасанг жахондин кеч,

Харна такдиринг ўлса ондин кеч.

Тиласанг васл, ўт жахон гамидин,
На жахон, балки жисму жондин кеч.

Бир назар комати хиромига бок,
Муддати умри жовидондин кеч.

Бордур олам биноси вахму гумон,
Эн кўнгул, вахм ила гумондин кеч.

Бўлмагил яхшию, ёмонга тараф,
Бехуд ўл, яхшию, ёмондин кеч.

Кўйи туфрогини нашиман кил,
Сайри гулзору бўстондин кеч.

Ёрким ер тубида пинхондур,
Нодира, мохи осмонидин кеч.
* * *

Май ичсанг, эй кўнгул, элдин нихон ич,
Лаби ёди била май ройигон ич.

Агар гамдин халос ўлмок тиларсен,
Сурохидек шароби аргувон ич.

Кўнгул, шодоб эдинг васли майидин,
Лабидин айру тушдинг эмди кон ич.

Кириб майхонага гамдин омон топ,
Дамо-дам жом тут, май хар замон ич.

Майи ноб эл иёрига махак (дур)
Ўзингни айламакка имтихон ич.

Будур мазмуни мавжи бодаи ноб
Ки сахбо пирни айлар жувон, ич.

Сенга, эй Нодира, жоми мухаббат
Чу сунди сокийи ширин забон, ич.

* * *

Килмагил зинхор изхор эхтиёж,
Ким азиз элни килур хор эхтиёж.

Хеч ким оламда форуғбол эмас,
Хар ким ўз микдорича бор эҳтиёж.

Ганжи хуснингни закотин бер менга,
Сен ганийсан, менда бисёр эҳтиёж.

Кўзларим айлар юзингни орзу,
Ким эрур кўзгуя дийдор эҳтиёж.

Мустаманд этти мени мухтожлик,
Килди хожатмандинг, эй ёр, эҳтиёж.

Гар тиларсен обрў ахбоб аро,
Айлама зинхор изхор эҳтиёж.

Кил раво албатта ошик хожатин,
Бокмагил арз этса агёр эҳтиёж.

Бир тараххум зохир этсанг нетгуси,
Килди хуснингга мени зор эҳтиёж.

Ер васлини тиларман, Нодира
Айлади кўнглимни афгор эҳтиёж

* * *

Эй жамолинг сабохат ичра сабих,
Хусн ахли зимрасида сабзи малих.

Бўлма магрур муддаи сўзина,
Ани кавли сахимдур, на сахих.

Мен каби лофи ишк уриб зохид,
Элга расволигин килди сарих.

Лабларингдур Масиху, Хизр лабинг,
Сендин истар хаёт Хизру, Масих.

Куфр ислом элига зулфингдин
Аклу зиннору халкау, тасбих.

Тарки ишк эт, деди менга зохид,
Демади хеч телба мунча кабих.

Нодира возеи маонийи шавк
Анга таслим этар шарифу, вазих.

* * *

Фирокинг оташидан оху аввах,
Ки токат айламас бу ўтка дўзах.

Юрак захмида пайдо бўлди йўл-йўл
Ўкинг пайкони гўё эрди рах-рах.

Бали бир-бирга ошик бирла зохид,
Мухолифдур нучукким ўт била ях.

Шах айлар маснади ноз узра ором,
Мени девонага бас хоки гўлах.

Жахон, эй Нодира, эд макталидур,
Эмастур жойи осойиш бу маслах.

* * *

Агар бўлса кишини ёри фаррух,
Муборақдур юзи дийдори фаррух,

Кани ул ёрдек ширин шамойил,
Жамоли дилкашу, атвори фаррух.

Менинг ёрим парилар шохи эрди
Лаби шахду, шакар гуфтори фаррух..

Ниҳоли комати сарви хиромон,
Юзи гул, лаъли шакарбори фаррух.

Эрур майхона файзи майманатлиг,
Лабо-лаб согари саршори фаррух.

Менга зохид юзидур номуборан,
Валекин жуббау дастори фаррух.

Бўлубдур Нодира мумтози маъни,
Каломи равшану ашъори фаррух.

* * *

Риёу, хирсу, тамаъ савтидур таронаи шайх
Эшитмагум, хама афсун эрур фасонаи шайх.

Санамлар ишкина токат килолмайин ночор

Ёшунди савмаага зухд ўлиб бахонаи шайх.

Риёу зарк гарикида ташнаком ўлур,
Сароби бахри хаёлоту бегиронаи шайх.

Хамуш этарман ани бир шарори ох ила,
Агарчи тез эрур ўт каби забонаи шайх.

Кўнгуллар ўлди совук сухбатидан афсурда,
Эрур чу боди хазон охи ошиконаи шайх.

Берур гурур ила оройиши фашу дастор,
Ки худнамолиг эрур зеби корхонаи шайх.

Топилса, Нодира, бир шайхи орифи комил,
Бошим хавосин этай назри остонаи шайх.

* * *

Ёр керак ошика, менда севар ёр йўх,
Дарду гамим беадад сўргали гамхор йўх.

То абад одоб ўла шаҳри фано кўчаси,
Жаннат эрур ошика андаки озор йўх.

Бўлди хаёлинг била кўнглим уйи дилкушо,
Келки, бу зайронада сояи девор йўх.

Махфили айём аро мояи айшу нашот
Барча мухайё менга, хайфки, дилдор йўх.

Гунчау гул тенг эмас лаълинг ила огзинга,
Гулда шакар хандау гунчада гуфтор йўх,

Ўтса хиром айлабон жилва била чобукнм
Етмас анинг каддига сарвда рафтор йўх.

Элга не тонг айласа оху фпгоним асар,
Менга букун, Нодира, ёрдин осор йўх.

* * *

Бог сайр эт, карами довара бох,
Гулни бошидагн тожи зара бох.

Худи заррин менга охим шарари,

Шамъи фарки сарида магфара бох.

Кон тўкар гамзаси, мужгонлари хам,
Кўзи катлига чекан ханжара бох.

Хажр тиги била багрим юз чок,
Ани хар чокига юз минг яра бох.

Шамъ янглиг гиях буркин заррин
Дуди охимдин этар каркара бох!

Вахшат айларму кийик Мажнундин,
Менга, эй кўзлари оху, бара бох.

Нодира, дахр элини сархуга бил,
Сокийи давр алида согара бох.

* * *

Ул пари пайкарки хажридин жахоним бўлди талх,
Шарбати лаълидин айру коми жоним бўлди талх.

Войким, жоми висолидин фарах топти ракиб,
Ишратим, эй сокийи ширин забоним, бўлди талх.

Коми жон васлингда ширин эрди мен масти гурур,
Эмди хижронингда, эй номехрибоним, бўлди талх.

Не халоват кўргамен хажрингда бу майхонадин,
Нашъа захр ўлди, шароби аргувоним бўлди талх.

Сийби габгаб бирла унноби лабинг хижронида,
Меваи алвони богу бўстоним бўлди талх.

Шарбати лаълингдин айру топмадим жон лаззатин
Комима ишрат майи, эй дилистоним, бўлди талх.

Васл давронида айшу ишратим жовид эди.
Нодира, хижронда айши жовидоним бўлди талх.

* * *

Тушти охимдин бу окшом чарх майдонида дуд,
Ким асар килди фалакни мехри тобонида дуд.

Бахри ашкимдин рутубат кетти то тахтассара,
Етти охимдин фалак токи намоёнига дуд.

Кеча ул гису таманносида чектим охлар,
Тонг эмас андин туташса чарх айвонига дуд.

Шамъи рухросшш атрофида печитоб ўрар,
Турфа ўхшар ёрнинг зулфи паришонига дуд.

Шамъдек ўртаб танимни эҳтиёт эт дудини,
Ким керакликдур саводи хатти райхонига дуд.

Ёр ушшокини шамъи жилва равшан килмасун,
Ким тушар андин ракиби рўсиях жонига дуд.

Куйди багрим ох мисраъини иншо айлагач,
Тушти андин Нодира авроки девонига дуд.

* * *

Ўтди кўксимдин ўкинг сарвиравондин берди ёд,
Захмларким колди андин гулистондин берди ёд.

Мехнати хижрон аро нокомлиг чекканлара
Васл аро ўлмак хаёти жовидондин берди ёд.

Огах этди элни ашким собити сайёраси,
Дуди охимдур фалакда каккашондин берди ёд.

Айлагач барбод айшим хосилин хижрон ели,
Ошиноларга сариг рангим самондин берди ёд.

Вокиф ўлдим дахр богини гули раъносидин,
Ким бахори ранг келтургач хазондин берди ёд.

Ёридан айрилди деб хар кун менга даври фалак
Кўргузиб мехрини ул номехрибондин берди ёд.

Нодира, килгоч мухаббат нашъасидин гуфтигў
Лаззати шеъри Умар сохибкирондин берди ёд.

* * *

Ул сарвки бордур ани мавзун кади озод,
Машшота учун шона чекар зулфига шамшод.

Мардумлиг ила айлади ул ой мени расво,
Найранг ила худ телба килур элни паризод.

Коши калами бирла килур катл дамо-дам,
Ушшокларин икки кўзи бўлгали жаллод.

Ул гамза сенга жавру жасфо илмин ўкутти,
Афсуски, таълими вафо бермади устод.

Сен тарки вафо килдингу бадмехрлиг этднинг,
Ёринг(ни) фаромуш килиб айламадинг ёд.

Охим шарари килмади кўнглингни мулойим,
Харчанд мулойим бўлур ўт тобида фўлод.

Барпой тутиб койдаи мехру мухаббат
Тарк айламадинг, Нодира, давлат уйи обод.

* * *

Чун мендин узди мехрини ул ёр мўътамад,
Бегона бўлди бир-биридин жон ила жасад.

Бўлсам фирок лашкаридин мунхазим, нетонг,
Сабру сабот черикидин етмади мадад.

Мен нотавон хастани ул ой жамолидин
Махрум килди толиъи баргашта, бахти бад.

Йўк огзининг сўрогида, эй жон, нишон тилаб
Тушдинг адам тарикина кимдир сенга балад.

Йўк, сендин ўзга додраси дайру, Каъбани,
Сен-сен муроди кимки санам деру, ё самад.

Хар кимки топса ишк адабгохида кабул,
Килмас ани такаллумини хеч кимса рад.

Дарди фирок шиддатидин билди Нодира
Дўзах азобидин гами хижрон экан ашад.

* * *

Ажални дастидин юз доду фарёд,
Ки умрим хосилини берди барбод.

Музайян килма тархи истикомат,
Жахони бебакодур сушт бунёд.

Кўнгул касри мухаббат доги бирла,
Муаббад то абад маъмуру обод.

Жахон маккора золи бевафодур,
Вафо бирла кўнгулни килмади шод.

Кани Фарход ила Мажнун нишони.
Кани Ширину Лайли айлагил ёд.

Алойик барча занжири ажалдур,
Кўяр андогки доми хийла сайёд.

* * *

Бординг назаримдин, эй паризод,
Мен кулни дубора килмадинг ёд.

Хажр ичра фирок шиддатидин
Юз нолау сад хазор фарёд.

Конлиг кўнгул ичра мадди охим,
Андогки чаманда сарви озад.

Мужгон ила наргисингдин, эй шўх,
Касб айлади кон тўкарни жаллод.

Мен ох ила тогни сув килдим,
Тунд айлади тешасини Фарход.

Фарёдки хажр тунд боди,
Айшим чаманини берда барбод.

Дин Нодирадин камол топди,
Икбол рафику мулки обод.

* * *

Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

Ул париваш васлидин бўлдим жудо,
Рохати дил колмади дилдорсиз.

Ёр учун агёр дардин тортаман,
Кўрмадим бир ёрни агёрсиз.

Тан бузулди, энди рохат колмади,
Соя пайдо бўлмади деворсиз.

Берма нисбат каддига, эй богбон,
Сарвдур бу бог аро рафторсиз.

Нодира ахволидин огох бўлинг,
(Эй мусохибларки, колмиш ёрсиз).

ЛУГАТ

А
Абас — бефойда.
Авбош — безори, тарбиясиз.
Абжад — араб алифбесининг бош харфлари: а, б, ж, д — ларнинг йигиндиси.
Алифбенинг
боши маъносида ишлатилади.
Авкот — вақтлар, вақт сўзининг кўплиги.
Адам — йўклик, адам бўлмок — йўк бўлмок.
Ажуза — қари хотин, кампир.
Азм айламок ва азм этмок — ният килмок, қасд килмок.
Анжум — нужумлар, юлдузлар.
Ато — багишлаш, ахвол.
Аллома — олим; бир соҳанинг билимдони.
Амну-амон — тинчлик.
Аналхак — араб тилида «мен ҳакмен», яъни «худо мен» дегани. («Ана» араб тилида «мен», «алхак» ҳак — «худо»): Қадимги манбаларнинг билдиришича: Мансур дунёнинг бевафолигидан ҳафа бўлиб, аналхак — мен ўзим худомен деб юрар экан.
Ангишт — бармок.
Анко — қушларнинг подшоси ҳисобланмиш бир қуш. Баъзан йўк нарсага ёки камёб нарсага ҳам ўхшатилади.
Арса — майдон.
Аргувон — кизил дарахт.
Ашк — кўз ёши.
Атвор — «тавр»нинг кўплиги — юриш-туриш, хулк, чек, ҳаракат, миқдор.
Атфол — «тифл»нинг кўплиги — гўдақлар, болалар.
Афгор — яраланган, мажруҳ, афгор айламок — яраламок.
Афлок — «фалак»нинг кўплиги — кўклар, фалаклар, осмонлар.

Афсун — диккатни тортиш, ром этиб олиш.
Афсурда — совиган, музлаган, бировдан кўнгли колган маъносида ҳам ишлатилади.
Асрор — сирлар.
Аёдат — хабар олиш, кўнгил сўраш.
Аёғ — май ичадиган пиёла.
Ахбоб — «хабиб»нинг кўплиги — дўстлар, ёрлар, севимлилар.
Ахмади мухтор — Мухаммад пайгамбар (с.а.в.)нинг сифати.
Айём — «явм»нинг кўплиги — кунлар.
Акик — хакик, кизил тусли, киймат бахо тош. Баъзан гўзалнинг лаби (кизил лаб) деб киноя этилади.

Б

Бадхох — ёмон ўйли, ёмон фикрли.
Базл — сахийлик, сахийлик билан сарф этиш; торттик, хадя.
Батхо — Макка шахарининг яқинидаги водий номи. Асли маъноси ёмгир суви оқадиган кенг жой.
Балад — шахар
Баргашта — синдирилган, хафаланган, ўлдирилган, ағдарилган.
Бархурдор — фойдаланувчи, бахравар, бахтли.
Баржаста — энг яхши, кўзга кўриниб турган,
Бахшойиш — бериш, багишлаш, хадя килиш.
Бако — доимийлик, мангулик.
Бегирона — чексиз, туганмас.
Бенаво — кимсасиз, ёрдамсиз.
Бехурду-хоб — овкатсиз, уйкусиз.
Бесомон — камбагал, ожиз, йўксил.
Бизоат — сармоя.
Бисмиллах — Аллохнинг номи билан.
Бисёр — кўп.
Бихамдиллах — Аллохга мактовлар.
Боб — эшик.
Бол — канот.
Боло — юкори.
Болу-пар — канот ва куйрук.
Болин — ёстик, кўрпа.
Бунёд этмок — асосини курмок, юзага келтирмок.
Бурк — туянинг жунидан килинган кийим. Дарё ва юлдуз исми.

В

Вазих- — аник, очик, тоза; касаллик номи.
Вафобоб — вафога муносиб
Васл — етишиш; ковишиш, бирлашиш.
Возеъ — асос солувчи, паранжисиз аёл.
Вола — хайрон, шошиб колган.

Вокиф — хабардор.

Вубол — увол.

Г

Гавхарфишон — гавхар тўкилиб турган.

Гардиш — айланиш, дўниш.

Гардун — осмон.

Гарданкаш — бўйсунмовчи, итоат этмовчи.

Гарон — огир; катта, зўр.

Гису — хотин-кизларнинг ўрилган сочи.

Гийру-дор — олиш, тутиш; подшолик килиш маъносида.

Гирдибод — куюн, шамолнинг айланиши.

Гирибонгир — айбловчи.

Гирих — тугун, териш, чигаллик.

Гилад — ниҳоят, йиги, ох-воҳ, таъна, хайфсан.

Гирён — йиглаган, ёш тўккан.

Гувора — ўнгай хал килувчи, ёкимли, розилик.

Гузаргоҳ — ўтиш жойи.

Гулжабин — гул пешонали.

Гуландом — гулбадан.

Гулрў — гул юзли.

Гулфом — гул ранг.

Гумроҳ — йўлини йўқотган, тўгри йўлдан чиққан, йўлдан озган, адашган.

Гўша — бурчак.

Гуфтигў — гап-сўз, тортишув, суҳбат.

Гуфтор — гап-сўз, суҳбат.

Д

Дабиристон — мактаб.

Даст — кўл.

Дастор — салла.

Дайри фоний — «бевафо дунё», ўткинчи дунё.

Дилситон — дилбар, кўнгилни олувчи.

Дилевез — кўнгилни қувонтирадиган, ёкимли, хидли, хушбўй.

Дилоро — севимли, маҳбуб.

Дийда — кўз.

Диловар — мард, ботир, қахрамон, жасур.

Дилкушо — хурсанд килувчи, қувонтирувчи.

Довар — подшо, ҳоким.

Додраси — ҳакконий, адолатли.

Домон — этак.

Дурд — куйкум, куйка.

Дурдамок — май куйкасини ичувчи, майга берилган маъносида.

Дурфишон — дур сочувчи, ялтирок, равшан.

Дуто — буқилган, эгилган.

Душвор — огир, мушкул, қийин.

Ж
Жамшид — кадимги Эроннинг афсона ва хурофотида бир хукмдор бўлиб, кўпрок айшу ишрат билан машхур этиб кўрсатилади.
Жаноб — остона, бўсага, даргох
Жаъд — соч, кокил.
Жило — ялтираш, нур сочувчи.
Жаннат-ул-маъво — жаннат жойи, жаннат боги.
Жароб — кичима касали; киличнинг занглаши.
Жураб — куш исми
Жовид — жовидона, абадий, доимий; давлати жовид — доимий давлат, туганмас давлат.
Жовидон — абадий, мангу.
Жонгох — хавфли жой.
Жониб — томон, ёк.
Жубби дастор — салланинг печи.
Жунун — жиннилик.
Журъа — култум, бир ютум.
Жуйи шир — сут ариги.

З
Зарк — икки юзламалик; алдаш, сохталик, хийла.
Замзам — Маккадаги булокнинг исми.
Занах — ияк, тана маъносида ҳам келади.
Заъф — ожизлик, қувватсизлик.
Зебу-фар — ясан-тусан.
Зимра — жамият, гурух.
Зиннор — бут.
Зол — кекса. кари кампир; хийлагар.
Зохид — дунё ишларидан хаваси кайтиб, ибодат билан машгул киши, сўфий.
Заррот — «зарра»нинг кўплиги; атомлар, кисмлар.
Зухд — харом ишлардан сакланиш, сўфийлик,

И
Икром — хурмат.
Илтизом — зарурий, мақсадга мувофиқлик; тиришиш.
Илк — кўл.
Имдод — ёрдам.
Иншо — асар, ёзма нарсаси.
Интихоб — сайлов, танлаш.
Инкилоб — ўзгариш.
Иршод — раҳбарлик, тўғри йўл кўрсатувчилик.
Истисно — тортиниш, нозланиш.
Итоб килмок — таъна килмок, таъзир бермок.
Икомат этмок — яшамок, турмок.
Иктидо — бир нарсаси эргашиш, таклид килиш.

Иктидор — кудрат, куч, крбилият.
Ирсол — юбориш, жўнатиш, йўллаш.
Иер — хаво, атмосфера.
Ийд — хайит, байрам.
Ихтисоб — тегишли бўлиш.

К

Кавкаб — юлдуз.
Кавокиб — «кавкаб»нинг кўплиги — юлдузлар.
Каманд — ип, аркон, бог, тузок.
Каъба — Маккадаги мукаддас жой.
Куъба — кизлик, киз болалик.
Кахкашон — сомон йўли, галактика.
Кибриё — буюклик, катталиқ, улугворлик; куч, кудрат, устунлик.
Кийнапарвар — душманлик кўзи билап каровчи, кийнали, ёмон ниятли.
Киштзор — экинзор.
Ком — мақсад, хошиш, тилак.
Комёб — мақсадга эришган, ниятига етган.
Кофи — етарли миқдорда.
Кудурат — хафалик, кайгу.
Кулкул — бехуда сўз, текшириш. Жуда нордон лимон.
Кулола — сочлар, кокиллар, гулдаста.
Кўка — бойкуш, тутинган огайни.
Кўжкан — Фарходнинг лакаби, тоғ казувчи маъносида

Л

Лавс — куч, кудрат; ифлослик; сустлик.
Лавас — пасткашлик, тубанлик.
Лавх — куёш ёки юлдузнинг кўриниши; яркираш, нур сочиш.
Лаъл — ёқутга ўхшаш кизил рангли, киммат баҳо тош; мажозан кизил май ва дилбарнинг лаби.
Лаъл шакарбор — шакар лаб маъносида.
Ложирам — шубхасиз; ноилож.

М

Мавзун — вазнга солинган, ўлчанган, чиройли.
Мавло — сохиб, молик, жаноб.
Маъбад — ибодат этиладиган ўрин.
Маъво — жон, маскан, паноҳ, ўрин.
Маддиоҳ — оҳ чекиш, узок азобланиш; давомли оҳ чекиш маъносида.
Мадоро — юзаки дўстлик
Мазхаб — юриш, восита, диний фикр, коида, тартиб.
Малих — гўзал, ёкимли, позик, келишган.
Манзар — кўриниш, юз, юз ифодаси.
Манзур — гуллаган, гўзал, кўм-кўк бўлган.
Маоний — «маъно»нинг кўплиги, маънолар.

Маротиб — «мартаба»нинг кўплиги — даражалар, унвонлар, вақтлар.
Мархала — куннинг ўтиши, тўхташ жойи.
Мазмум — кўшилган, йигилган, бирлаштирилган.
Мардум — халк, омма, кўз корачиги.
Масдуд — ёпик, кулфли.
Масих ва масихо — Исонинг лакаби, мажозан — жонлантирувчи, жон берувчи, тирилтирувчи
маъносида
Муслах — тайёрланган.
Муслих — қайта курувчи, тузатувчи.
Майи ноб — тоза май, тиник май.
Майкада — майхона.
Майманат — кўлнинг ўнг томони, бахт, гуллаб яшнаш.
Матбах — ошхона.
Мариз — касаллик, хасталик.
Макдам — кадам жойи.
Макдур — белгиланган, бўлиши мумкин бўлган, зарурий, тақдир, имконият.
Мактал — ўлдириш жойи, дор таги.
Магфар — дубулга, каска.
Мах — ой.
Махак — кумуш ва олтинларга суртиб уларнинг тоза ва нотозалигини ажратадиган тош.
Махваш — ой чехра, ой юзли.
Махмур — хумор бўлган, майга ташна бўлган.
Махфил — мажлис жойи, йигилиш жойи.
Машшота — гримчи, безовчи, келин ва кизларни ясантирувчи хотин.
Мифтох — калит, очкич.
Мийно — шиша, хаво ранг ойна: хаво.
Монанд — ўхшаш.
Мочин — Хитой империяси.
Мох — ой.
Муанбар — атирланган, хушбўй хид сочувчи.
Мунаввар — нурли, нур сочиб турувчи, жуда ҳам равшан.
Музайян — ясатилган, безатилган.
Мулаввал — чарчагап, хориган, толган, касалванд, ожиз, хафа, хафа бўлган, гамгин.
Мунтахаб — сайланган, танланган.
Муножот — худога илтижо, ёлвориш.
Мунфаил — хижолатлик, хайрат.
Мунхазим — хайдалган, енгилган, тор-мор келтирилган.
Мужалло — машхур, шуҳрат топган.
Мужгон — киприк.
Мужда — хат, мактуб, кувончли хабар.
Мулокот — учрашув, сухбат, сўзлашиш.
Муозаллох — худодан панох тилаш маъносида.
Муктарин — дўст, иттифокчи, эргашувчи.
Мусаххар — куч билан кўлга киритилган, забт этилган, бўйсундирилган.
Мустаманд — факир, бахтсиз, кайгули, хафаланган.

Мутриб — музикант, ашулачи, севинтирувчи, шодлантирувчи.
Муфаррих — кўнгил очувчи, шод этувчи.
Мушкин — хидли, хушбўй.
Мукарраб — якин, якин карнндош, дўст.
Мушкбор — мушк сочувчи, хушбўй.
Муштари — сотиб олувчи, харидор.
Мургзор — ўтзор, кўкаламзор, чаман.
Мухлис — ихлосманд, берилган.
Мухайё — мавжуд, тайёр, хозирланган.
Муътамад — ишончли.
Муътод — одат, одатланган.
Мугтанам — ганимат, ўлжа хисобланган.
Мугтаним — ўлжа олувчи, пайтдан фойда.
Мўр — чумоли.

Н

Навмид — умидсиз.
Навола — насиба, хисса; ошам, лукма.
Наззора — кўриниш, караш, бошқариш, томошабин.
Нангу ном — ор-номус.
Наргис — бир турли гул; гўзалнинг кўзи.
Нахлистон — кўчатзор, хурмозор.
Ноком — максадига етмаган, бахтсиз.
Нашиман — ўтирадаган нарса, курси, мажлис, йигилиш, ватан.
Нашот — яратиш, ўсиш, тараккиёт.
Нажот — оила, келиб чиқиш, бошлангич.
Них — ип, тола.
Некном — яхшиликда ном чиқарган, донгдор, шуҳратли.
Нисор — сочиш, оёк остига сочиш.
Новак — ўк, камон ўки.
Ноёб — кам топиладиган, камчил, нодир.
Нун — араб алифбесиди «н» харфи.
Нўш — ичиш, нўш килмок — ичмок

О

Обдор — порлок.
Оби хаёт — хаёт суви, тиргизувчи сув (Афсонага кўра, кандайдир бир горда чашма бўлиб, кимки унинг сувидан ичса гўё ўлмай, абадий яшар эмиш). Бу сувни оби хаёт, оби хайвон, оби бако, оби зиндагоний, хизри хаст, хизр суви, чашмаи хайвон деб ҳам юритилади.
Ойин — одат, расм, тантана.
Олуда — булганган, ифлосланган, ифлос.
Ошуфта — мубтало, ошик, паришон.
Ошифтахол — ачинарли холатда, гамли кайфият.
Ошом — ичувчи; май ошом — май ичувчи, майхўр.
Ошуб — фитна, тўполон, гавго.

Омода — тайёр, хозир.
Ораз — юз, бет.
Оройиш — безак, безаш, зийнат.
Огоз — бошланиш, ибтидо.
Озурда — хафа, хафаланган, ранжиган.
Озиг — фойда, паф.
Осий — гупохкор, бўйсунмовчи, итоатсиз.
Осор — «асар»нинг кўплиги — таъсирлар, излар.
Осуда — тинч, хотиржам, озод.

П

Падидор — очик, равшаи кўриниб турган.
Парирў — парига ўхшаш гўзал.
Партав — шуъла, нур.
Пайваста — бирлашган, туташган; якин, туташ.
Пайк — хабарчи, чопар.
Паймонишкан — ваъдасини бузувчи, аҳдини бузувчи
Пинхон — яширин, махфий, сир.
Пирохан — кўйлак.
Пири мугон — майхоначи.
По ва пой — оёк.
Покдоман — аклли, доно, тоза, покиза, пок.
Пунба — пахта.
Пуртоб — ўк, сакраш, ялтираш, нурланиш.

Р

Раият — халк, тобелар, дехкон.
Растахез — киёмат, махшар кунн, тўполон, кий-чув.
Рахнамо — йўлбошчи, рахбар.
Реза — киркинди, майда.
Ришу-бурут — сокол-мўйлов.
Ризвон — жаннат, бог, бўстон.
Рикоб — узанги, от.
Ринд — май ичувчи, ошик.
Ришта — ип.
Рифъат — юксаклик, буюк мартаба.
Риё — иккиюзламалик, мунофиклик.
Риёз — боглар, ўтзорлар.
Русиёх — юзи кора.
Рухафзо — кўнгилни олувчи, ўзига кўнгилни тортувчи.
Рутубат — намлик, захкашлпк.
Рўзу-шаб — кеча-кундуз.

С

Сабз — кўм-кўк, янги, тоза, кўкараётган нарса.
Сабих — гўзал хуснли, ок юз.

Сабу — пиёла, кадах.
Сабир — сабр этувчи, чидамли, бардош этувчи.
Савдо — ортик даражада бершшш, севги ва мухаббат огирчилиги.
Сад — 100, тўсик, гов.
Самад — хўжайин, жаноб, бошлик, рахбар.
Самур — кимматли хайвон териси.
Санжоб — куш исми.
Санад — хужжат, асос, таянч.
Саргашта — сарсон, хайрон, боши айланган.
Сарафроз — юксак, баланд, бахтга эришган.
Сарманзил — мехмонхона, тўхташ жойи.
Саршор — тўла, тўлиб тошган, сугорилган, маст.
Сархуш — сармаст, маст.
Салосил — занжирлар.
Сулосил — томоқдан ўтувчи тоза сув, тоза вино.
Салотин — султонлар, подшоҳлар.
Сайд — ов.
Сайёд — овчи, миришкор.
Сарих — очик, аник, равшан.
Сарсар — ахмок, аклсиз, тентаклик.
Сахбо — кизил май.
Сахих — тўла, мукамал, соғлом, хакконий, хакикий асл.
Сахоб — булут.
Саховат — сахийлик.
Сахийм — касал, носог, кучсиз.
Сиришк — куз ёши
Ситам — жабр, жафо, хаксизлик.
Ситамкор — зулм ва хаксизлик килувчи, ситамгар.
Синон — найза, учли найза.
Сихий — тўгри, тик; сарв сихий бўйли — тўгри ва чиройли бўйли.
Сихи кад — комати келишган, сарв комат.
Сиях (сиёх) — кора, бахтсиз.
Собит — баркарор, тебранмас; исботланган.
Сокин — бир ерда турувчи, харакатсиз.
Сокий — май қуювчи, гўзал, косагул.
Согар — май қадахи.
Спехр — осмон, такдир, дунё.
Сугувор — йиглаш, шикоят килиш, гамгин, хафа.
Суд — фойда, наф.
Сукун — тинч, тинчлик, харакатсиз танаффус, доимийлик.
Сумансо — гўзал.
Сулук — йўл; бир йўлни қабул этиш, чунончи, тарикат йўлига кириб, ибодат билан машгул бўлиш.
Сурайё — хулкар юлдузи.
Сурух — кичкирик.

Сурук — гала, тўда, гурух.

Сунбул — ўрилган сочга ўхшаш, ингичка ва узун бўлиб ўсадиган хушбўй ўсимлик.

Сунъ — усталик, хунар.

Савмаа — ибодатхона.

Т

Табох — бузилган, айниган, хароб.

Таваххум — хаёл, фараз, тасаввур этиш, шубха; хавфсираш, кўркиш.

Тавфик — мувофик келиш, ёрдам, кўмак.

Такаллум — сухбатлашув, сухбат, сўзлаш.

Такаягох — таянадиган ер, сўфийлар ибодат киладиган ва расм-русумларни ўтказиладиган жой.

Талъат — юз, бет, чехра, кўриниш; гўзаллик.

Талх — аччик, тахир.

Талхком — иши ўнгидан келмаган, бахтсиз, кайгули.

Таокалло — зухур этиш, равшан бир суратда кўриниш; шуъла, жилва.

Тажаммул — гўзаллик, савлат, безаклик.

Таманно — истак, орзу, талаб, дуо, ўтиниш.

Тамаъ — очкўзлик, тўймаслик.

Тараб — шодлик, севинч, хурсандлик.

Тарик — йўл, услуб, коида, одат.

Таррор — товламачи, ўгри, чўнтаккесар, алдокчи.

Тароват — тозалик, янгилик.

Тагаллуб — бўйсундириш, босиб олиш, алдаш, калбакилик, сохталик.

Тахтассаро — ернинг таги.

Тахаммул — чидам, токат.

Тахаррук — харакат килиш, харакатланишлик.

Тахайюр — хайратда қолиш.

Таъмир — тузатиш.

Тийрадил — дили хира.

Тифл — бола, гўдак.

Тиловат — ўқиш (куръонни), фикр юритиш.

Тийра — хира, кора, коронгй.

Тобон — порлок, ёруг сочиб турувчи, мунаввар.

Тобу-таб — куч-қувват, кодирлик.

Тугро — подшоҳнинг номи ҳам кўрсатилган махсус бир белги бўлиб, буйрук, фармон, карор

кабиларнинг тепасига туширилган бўлади.

Тундбод — каттик шамол.

Турра — кокил

Тул — уруш, қураш, жанжал, тортишиш.

У

Узор — юз.

Унноб — чилонжийда.

Ушшок — ошиқлар.

Уйрулмок — айланмок, ўгирилмок; кайгурмок.

Унон — фарёд, ох-вох.

Уков — юлдуз исми.

Ф

Фатх — очиш, кўлга олиш, тортиб олиш,

Фирдавс — бог, жаннат.

Фавт — йўкотиш, ўлим.

Фано — йўклик.

Фарз — буйрук, топширик, мажбурият, мажбурий бўлган иш.

Фаррух — чиройли, гўзал, бахтли.

Фарзона — онгли.

Фархунда — муборак, кутлук, бахтиёр.

Фасохат — усталик билан гапириш, чиройли гапириш, тўгри ва очик килиб гапириш.

Файзосор — лутф-карамли; бахрали.

Фойизул-анвор — чарогон, нурлантирувчи.

Форугбол — жони тинч, хотиржам.

Х

Хайл — тўда, одоюн, гурух.

Кам — эгри, эгилган.

Хат — эндигина чика бошлагап мўйлов.

Хирад — акл, зехн, фикр, фаросат.

Хиромон — хиром билан (ноз билап) юрувчи, махбуб.

Хок — тупрок, ер; мамлакат.

Хокистар — кул.

Хун — кон, ўлдириш. ўлим.

Хуршид — кун, куёш.

Хўтан — Шаркий Туркистоннинг бир вилояти.

Шахбоз — лочин.

Шахвор — шахона, шохларга махсус.

Шахид — чиройли, гўзал. Мукаддас жангда халок бўлган шахс.

Шаходат — гувохлик.

Шахна — кўрикчи, посбон.

Шикор — ов, овлаш.

Шитоб — шошилиш, шошилиш.

Шодоб — хўл, нам, зах.

Шойиста — лойик, муносиб, шоён, сазовор.

Шона — тарок.

Шохид — гувох, далил.

Шумора — сон, адад, санок.

Шухра — шухрат, машхур бўлиш.

Шўру-пар — шовкин-сурон, жанжал, тўполон.

Ч

Часпон — яркли, тўгри келадиган, ярашган, чиройли.

Чирик — бу ерда кўшин маъносида.

Чобук — тез, тез юрар.

Чокар — хизматчи.

Чобуксувор — улокчи, чавандоз.

Чоркўл — тўрткўл.

Чўгз — бойўгли, бойкуш.

Чўх — кўп.

Г

Гаддор — хоин, каттик кўл.

Гулом — ўгил бола, йигитча ходим, кул, малай.

Гизол — кийик.

Ёвмулхисоб — киёмат.

Ш

Шакарбор — ширин сўзли.

Шамойил — шакл, сурат, кўриниш.

Шамшод — баланд, тўгри дарахт (жононнинг келишган коматига ташбих этилади).

Шаш катор — (олти катор), тизилган, кетма-кет (кўз ёши хакида).

Шарар — зарар етказиш, хакорат килиш.

Шафъи — ёкловчи, химоя этувчи, воситачи.

Я

Яъжуж — диний афсонага кўра, гўё киёмат пайти келганда «Яъжуж-Маъжуж» (ялмогиз) номли

киска бўйли одамлар пайдо бўлиб, хамма ёкни хароб этар эмиш.

Ягмо — талон, горат; бировнинг нарсаларини тортиб олиш, ўгирлик.

Ясриб — Мадина шахарининг кадимги номи.

Х

Хадис — 1) янги, илгари бўлмаган. 2) янгилик; 3) сўз, гап; 4) Мухаммаднинг ва ундан сўнг

ўтган имомларнинг айтганлари ва одатлари хакида накл ва ривоятлар.

Ховодис — «ходиса»нинг кўплиги — ходисалар.

Хажр — айрилик, фирок.

Хадаф — кора, нишон, мўлжал, касд этилган нукта.

Хазор — минг; сад хазор — юз минг.

Хасуд — хасадчи, кўра олмовчи.

Хижоб — парда.

Хашмат — савлат, дабдаба, улугворлик.

Хашр — йигин, йигилиш.

Харим — харом.

Хайвонсуйи — оби хаёт.

Хижрат — кўчиш, кўчиб кетиш

Хилол — янги ой, уч кунлик ой.

Хувайдо — зохид, кўриниб турган, равшан, ошкор.

Худхуд — пўпишак.

Хукамо — «хаким»нинг кўплиги; олим, файласуф, доктор.

Хумоюн — муборак, кутли, бахтли.

Хумро — кизил.

Нашрга тайёрловчи АЗИЗ КАЮМОВ